





Мавсумга тайёргарлик:

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Ҳисоб палатаси, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан Қашқадар вилоятида қиш мавсумига тайёргарлик, аҳолини электр ва иссиқлик энергияси, табиий ҳамда суолтирилган газ, кўмир, ичимлик суви билан таъминлаш тизими, қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар ўрганилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО


Хар бир одамнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб, келажакка комил ишонч билан яшаш кўп жиҳатдан хонадонларда қорли-қировли кунларни кўнгилдагидек ўтказиш ва бу борада давлат идораларининг халқимизга кўрсатаётган хизмати ҳақиқатан ҳам қимбат. Шу мақсадда мамлакатимизда кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуриш-қилиш мавсумига тўлиқ тайёргарлик ишларини секторлар тизимида амалга оширишга жиддий эътибор қаратилаёпти. Бунда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 июндаги "Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёргарлик таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётди.

Ўта юқори қучлиши билан ишланган пунктларга 20 та катта қувватли трансформатор ўрнатилди. — Натижада 102 маҳаллада яшовчи 75 мингга яқин аҳолининг электр таъминоти яхшиланди, — дейди "Қашқадарь ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти раҳбари Анвар Музапов. — Шунингдек, республика ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг август ойида жойларда аниқланган камчиликлар бўйича 14 трансформатор пункти ва 15,5 километрлик электр тармоғи қурилиши ишлари якунига етказилди.

тижада Косон туманининг Хўжақудуқ, Олачабоп, Бўрихона, Яққасарой, Уйрот, Қаррақли, Раим Сўфи, Ёдгор, Олатўн қишлоқлари аҳолисини узоқ йиллардан буюн қийнаб келаятган масала — электр энергияси таъминоти яхшиланганидан бўлди.

рилан газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳам тушунтирилаёпти. Умуман, вилоятдаги жами 717 минг 325 хонадоннинг 545 мингдан зиёди аниқ пайтада суолтирилган газдан фойдаланмоқда.

молар ўз ечимини топди. Хусусан, Деҳқонобод тумани аҳолисининг Президент Халқ қабулхонасига тумандаги Қичиққора дарёси устидан ўтувчи кўприк яроқсиз аҳволга келиб қолгани, бу эса қарийб 10 минг аҳолига ноқулайликлар туғдираётгани ҳақида муносабат қилинган эди.



Жорий йилда Буюк Британия иқтисодий жиҳатдан энг салохиятли давлатлар рейтингига олтинчи ўринга тушиб кетди. Бу ҳақда мамлакат газначилиги қанцлери Филипп Хэммонд Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига таяниб хабар берди.

Кучли бешликдан чиқиб кетди

Унинг сўзларига кўра, Бирлашган Қиролликда ялли ички маҳсулот ҳажми 2,565 триллион АҚШ доллари ташкил этган. Рейтингда бешинчи ўринга кўтарилиб олган Франциянинг бу борадаги кўрсаткичи 2,575 триллион долларга етган.



ДНК текшируви ойдинлик киритди

Калифорния штатида умрбод қамок жазосига ҳукм этилган 70 ёшли Крейг Ричард Коули исми маҳбус озоликка чиқарилди.

Вулқон хавфи

Исландия геологлари мамлакатдаги энг йирик "Эрайвайёкюдль" вулкони яна фаоллашганини маълум қилишди.



Сувга чидамли

"Samsung" компанияси ўзининг янги авлод смартфонни — "Galaxy S9" тақдиротини келаси йил январь ойида Невадада бўладиغان "CES — 2018" кўргазмасида ўтказди.

ҚУЛАЙЛИК

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилишга ихтисослаштирилган "Жиззах улгуржи савдо" масъулияти чекланган жамиятида сизими 1200 тонна бўлган замонавий музлаткич ишга туширилди.

Барқарор ва кафолатли таъминот

— Бир миллиард тўрт юз тўқсон миллион сўмлик сармоя эвазига барпо этилган мазкур мажмуа 12 камерага эга бўлиб, уларнинг ҳар бирида 100 тоннагача қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини асл ҳолида сақлаш мумкин, — дейди қорхона раҳбари Баҳриддин Астанов. — Ҳозир вилоятдаги фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари, хусусий тадбиркорлар, шахсий томорқа эгалардан шартнома асосида маҳсулотлар қабул қилиб, қиш-баҳор мавсуми учун жамғараямиз.

Уч марта ҳосил берувчи ўсимлик

андижонлик фермерларга мўйай даромад келтирмоқда

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Андижон вилояти бўлими тарбияси билан галладан мавсумга майдонларга тарқак эккан фермерлар бўлимини қутилгандан зийд даромад билан яқунлашмоқда.

ИЗЛАНИШ

Гап шундаки, мазкур экин уруғи, мазкур экин сувинингдан то ҳосили йиғиштириб олинувчи гада қадар атиги 2,5 ой керак, холос. Бу эса мамлакатимиз шароитида бир йилда уч марта ҳосил олиш имконини беради.

Таълим, тарбия, тарғибот

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуний палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

СЕМИНАР

Жорий йилнинг 25 декабрига қадар давом этилган тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрда имзолаган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори амалга оширилди.

вожлантириш, бу борада иш самардорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратиб, шу йўналишда қатор Фармон ҳамда қарорлар йиғилиши тайёрланаётгани ҳақида гапирган эди. Шундан сўнг кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаруви янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Китоб маҳсулотларини нашр" эътиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган мақсад ҳамда вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишлар қатъий, изчиллик асосида олиб борилаётганини қўрсатди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНАФААТЛАРИ ЙИЛИ

Тўққиз йиллик можаро жамоатчилик иштирокида ҳал этилди

Ижтимоий тармоқларни қузатаркансиз, эр-хотин, қайнона-қелин, яқин қариндошлар ва кўни-қўшни ўртасидаги турли келиш-мовчиликлар тўғрисида ўзаро низолар авж олиши, хаттоки бундай қўнғилсизлик баъзан узоқ вақт давом этиб, фожиа билан яқун топаётгани ҳақидаги хабарларга ҳам кўзнингиз тушади. Одатда, ҳар доим низолашайтган томонлар ўзарани ҳақ деб билади.

овораю сарсон этган қимсаларнинг қилими, айниқса, фуқаролик судининг адолатсизлигини тинка-мадорий қурди.

бунга иқдорлиги масалани ойдинлаштирди. Пироваддида Шеробод тумани ҳокими қарорига асосан, фуқаро Шерали Абдурахмонов ва унинг ўғлига маҳалламиз ҳудудидан ҳар бирига 6 сотихдан ер ажратилиб, ҳомийлар қўмағида янги уй қуришга келишиб олинди.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

